



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 10 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 238 (12.549)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

2014 йил —
Соғлом бола йили



Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси
билан кириб келаётган 2014 йилга
мамлакатимизда Соғлом бола йили
деб ном берилди

БОЛАМ МЕНДАН ҲАМ БАХТЛИ БЎЛСИН ДЕЙДИ БУ ЭЛ

Ўзбек халқининг барча орзу-хаваслари, ҳаётининг мазмунини фарзандлари билан боғлиқ, десак янглишмаймиз. Юртимиздаги исталган одамдан энг олий мақсадининг нима, деб сўранг, шубҳа йўқи, болаларимнинг бахту саодатини, камолтини кўриш, деб жавоб беради.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат генофондини соғломлаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган даъват умуммиллий широрга айланди. Мустақил давлатимизнинг илк ордени «Соғлом авлод учун» деб номланганда ҳам ана шундай ҳикмат бор.

Ўтган йиллар давомида бу олижаноб мақсад йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом ўлғайиши учун шароит яратиш йўлида катта куч ва маблағлар йўналтирилди. Аналик ва болаларни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини тақомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги изчил ислохотлар бир-бирини тўлдириб, узвий тизим шаклини олди. Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси асосида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, ирсий касалликларнинг олдини олишда муҳим омили бўлмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган замонавий скрининг марказлари, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббий маркази ва Репродуктив саломатлик маркази, уларнинг минтақавий филиалларида оналар ва чақалоқларга қўри малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришнинг асосий воситаси сифатида

спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча ҳудудларда, хусусан, чекка қишлоқларда ҳам бунёд этилаётган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Эътиборлиси, бу жараён таълим-тарбия тизими билан мунтазам равишда олиб борилаётган.

Бу борадаги кенг қўламли саяё-ҳаракатлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, жисмоний кўрсаткичларида ҳам намойён бўлмоқда. Болаларимиз ўртасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари кескин камаймоқда.

Ўртача вазн кўрсаткичи 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Болаларнинг бўйи ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қизлар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсган. Ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан Соғлом бола йили деб эълон қилинган 2014 йилда бу борадаги ишлар қўлами янада кенгайди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом бола — аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Биз оилани ҳаёт давомидаги таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамлилик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, унинг жамият ҳаёти ва ёш авлод тарбиясидаги аҳамиятини ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган. Хусусан, Конституцияимизнинг алоҳида бобида оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгиланган. Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари, бошқа қонун ҳужжатларида оилани мустақиллик ва ҳифодини тоғлан.

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚЎШИҒИ

10 декабрь — Ўзбекистон
Республикасининг Давлат мадҳияси
қабул қилинган кун

Одатда энг муқаддас тушунчалар ҳақида сўз кетганда, аввало, тугилиб ўсган Ватанимизни тилга оламиз. Дарҳақиқат, Ватандан ўзга нажот, халқ меҳридан улғурок саодат йўқ. Зеро, Ватан биз, фарзандлар учун она каби мўътабар, ота каби ардоқлидир.

...Хар тонг давлатимиз мадҳияси садолари остида янги кунни қаршилар эканмиз, қалбимизда беихтиёр ана шундай ёруғ туйғулар жўш уриши табиий. Ҳа, мадҳиямизда инсонни сеҳрловчи, энг эзгу туйғуларни жунбушга келтирувчи соҳир қудрат ва жозиба бор. У бизни бунёдкорликка, яратувчиликка ундайди, эзгу ишларга даъват этади. Мадаҳиямизни тинглаганда ва ижро этганда қалбимизда шу муқаддас замин фарзанди эканлигимиздан бир дунё гурур, фахр-ифтихор, шукроналик, буюк ва жонажон Ватанимизга меҳр-муҳаббат туйғулари жўш уради.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонунда белгиланганидек, мадҳиямиз давлат суверенитетининг рамзи, унга катта эҳтиром билан қараш ҳар бир юртдошимизнинг ватанпарварлик бурчидир. Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, мамлакатимизда яшаб турган бошқа шахслар ҳам мадҳиямизни ҳурмат қилиши шарт.

Бугун Ватанимизнинг бу муқаддас қўшиғи ҳар биримизнинг миллий гуруримизга, фахру ифтихоримизга, ҳаётимизнинг ажралмас бир бўлагига айланиб, онгу қалбимиздан мустаҳкам жой олди.

Миллий мадҳиямиз садолари давлатимиз раҳбарининг турли мамлакатларга расмий ташрифлари чоғида, Ўзбекистонга келган хорижий мамлакатларнинг давлат бошлиқларини кутиб олиш маросимларида, юртимизда ўтаётган умумхалқ байрамларида, спорт мусобақаларида ва спортчиларимиз халқро мусобақаларда шохсупага кўтарилганда баралла янграмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъри, Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган мадҳиямизда халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, келажакка мустаҳкам ишонч теран ифодаланган. Унда мардона ва шарафларга бой ўтмишимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз, тинчлик, оқсоқиллик, миллатлараро тотувлик ва биродарлик каби умуминсоний туйғулар тараннум этилган. Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг, буюк Ўзбекистонимизнинг истиқболи йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари унинг жарангдор оҳанглари замирида муҷассам.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимизнинг маънавиятини юксалтириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мадаҳиямиз ёшларимизда Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, миллий ўзлигимизга чуқур ҳурматни шакллантиришда, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол ва етуқ инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим тарбиявий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Ватан ҳақида қўшиқлар кўп. Аммо давлатимиз мадҳиясининг жозибаси, сеҳри ўзгача. Мадаҳиямизни тингларканмиз, вужудимизда фахр-ифтихор туйғулари жўш уради. Қўлимизни ўқсимизга қўйиб, бу қудратли ва муқаддас қўшиққа жўр бўламиз:

Улғу халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган дийр!

Абдуҷалол ТАЙПАТОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ИННОВАЦИЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Ижтимоий тараққиётнинг муҳим воситаси бўлган инновацион ғоя ва лойиҳалар ишлаб чиқарилаётган товарлар турини кенгайтириш, ишлаб чиқариш сарфини камайтириш, экологик тоза технологияларни жорий этишга хизмат қилмоқда. Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда дунёда инновацияга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Мамлакатимизда инновацияга асосланган ривожланиш йўлига ўтиш иқтисодийотишнинг юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Президентимизнинг 2006 йил 7 августда қабул қилинган «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2008 йил 15

июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорлари шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Бу масалага

алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасида илмий ташкилотлар, олий ўқув юрталари томонидан саноат, қишлоқ хўжалиғи, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг турли йўналишларига мўлжалланган юзлаб замонавий технологиялар ва ишланмалар яратилди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти туман, шаҳар Кенгашларининг қўшма сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят иқтисодиёт тармоқларининг куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш, кўп қаватли уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

● Қашқадарёда қишлоқ хўжалиғи соҳасида 2014 йилда амалга оширилиши режалаштирилган ишларга бағишланган республика кўргазмали ўқув-семинари бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармаси, вилоят фермерлар кенгаши, вилоят «Пилла» бирлашмаси, вилоят «Автотеххизмат» ОАЖ, «Ўзқишлоқхўжалиқмашлининг» АЛК вилоят бўлими, вилоят иқтисодиёт бошқармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда Сурхондарё ва Бухоро вилоятларидан келган соҳа мутахассислари иштирок этди.

● Эллиққалъа туманидаги «Шарқ юлдузи» овул фуқаролар йиғини ҳудудда ишга туширилган «Эл рози нур» масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Микрокредитбанк»нинг туман бўлимидан олинган 20 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига барпо этилган мазкур корхонада 8 киши доимий иш билан таъминланди.

● Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Сирдарё вилоятида бугунги кунда 14 болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият юритаётган. Ўтган йиллар давомида ушбу мактабларнинг етти таси янгидан бунёд этилган бўлса, бештаси капитал реконструкция қилинди.

● Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллиғи муносабати билан замонавий болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. 6 минг ўринга мўлжалланган футбол стадиони ҳамда спортнинг кураш, бадий гимнастика турларига ихтисослашган иккита йирик спорт зали ёшлар учун кенг имкониятлар яратди.

ЖАҲОНДА

● Хитой ҳукумати «Renault» (Франция) концернига маҳаллий «Донгфенг» компанияси билан ҳамкорликда мамлакат ҳудудида автомобиль ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қўшма корхона очишга рухсат берди. Амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳанинг умумий қиймати бир миллиард еврога тенг.

● Антарктидадаги Япониянинг «Фудзи гумбази» станцияси ҳудудида сайёрамизда ҳозиргача кузатилган энг паст ҳарорат — Цельсий бўйича минус 91,2 даража қайд этилди. Антарктидада бундан олдинги энг совуқ ҳарорат — минус 89,2 даража 1983 йилда аниқланган эди.

● 1936 йилда Берлинда ўтказилган ёш Олимпиада ўйинларида АҚШлик энгил атлетикачи Жесси Оуэнс бир йўла тўртта олтин медални қўлга киритган эди. Ўтган яшанба кунининг ана шу совринларидан бири Калифорнияда ташкил этилган онлайн-аукционда қарийб 1,5 миллион долларга сотилди.

ҚИСҚА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ти-

зимини янада тақомиллаштириш масалалари: тажриба, муаммо ва ечимлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **БУГУН** Тошкент Тўқимачи-

лик ва энгил саноат институти қошидаги 2-сонли академик лицейда бўлиб ўтган тадбир давлатимиз мадҳияси қабул қилинган кунга бағишланди.

✓ **БУГУН** Сергели туманидаги Тошкент молия-иқтисодиёт касб-хунар коллежида вояга етмаган ёшлар тарбиясига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



БОЛАМ МЕНДАН ҲАМ БАХТЛИ БЎЛСИН ДЕЙДИ БУ ЭЛ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Сиҳат-саломатлик йили», «Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили», «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан қабул қилинган давлат дастурлари ўзаро узвийлик касб этиб, уларнинг амалга оширилиши самарасида оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асослари янада мустаҳкамланди.

Оила қўғонининг чиройи аёлдир. Соғлом боланинг туғилиши ва ақл-заковатли, юксак маънавиятли бўлиб улғайишида оналарнинг ўрни бекиёс. Бунинг учун аввало аёлнинг ўзи соғлом, илму маърифатли ва ортиқча ташвишлардан холи бўлиш зарур. Шу боис мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, рўзгор юмушларини енгиллаштириш, турмуш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

...Яқинда хориж матбуотида шундай мақола чоп этилди. Унда ҳикоя қилинишича, узокроқ қишлоқлардан бирида яшовчи ҳомиладор аёлнинг ўрмонда кўзи ёрибди. Гап шундаки, бу қишлоққа энг яқин тиббиёт пункти 25 километр наридаги посёлкада бўлиб, у ерга транспорт қатна-

мас экан. Одамлар, жумладан, ҳомиладор аёллар ҳам тиббий кўриққа ўрмон орқали пиёда бориб-келаркан. Шунда йўл анча қисқариб, 10 километрни ташқил этар экан!

Шундай қўғонларнинг бирида, ўрмоннинг ўртасига борганда боғи ҳомиладор аёлни дард тутди. Ёнида эридан бошқа ҳеч ким йўқ. Уйга қайтишни ҳам, шифохонага боришни ҳам билмайдди. Шу аҳволда, шу шароитда бола дунёга келди...

Мамлакатимизда аёлларга эътибор, улар учун яратилган шарт-шароитлар бутунлай бошқача. Барча ҳудудлардаги қишлоқ врачлик пунктлари, вилоят кўп тармоқли шифохоналари, перинатал ва скрининг марказлари, гинекология ва туғруқхона мажмуаларида аёлларга малакали тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Ўсимир қизлар ва туғиш ёшидаги аёллар бепул тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Уларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга доир маърифий ишлар изчиллик билан олиб борилаётган.

Одам боласининг ўзи, ўз соғлиғига эътибorszизлиги, қолаверса, носоғлом муҳит оқибати баъзан фарзандларнинг жисмоний ва маънавий тарбиясига путур етказди.

Азалдан халқимиз ўз насл-насабининг соғлом бўлишига доим эътибор берган. Ўғил уйлантириш ёки қиз чиқаришдан олдин бўлғуси келин ёхуд кўёнинг етти пуштини суриштиришган. Наслнинг тозаллиги, авлодининг соғлом ва баркамоллиги кўп жиҳатдан ана шу ёшларнинг саломатлигига боғлиқ эканлигини яхши анлаган. Соҳибқирон Амир Темур даврида бу масалаларга катта эътибор қаратилган.

Ана шу эзгу аъёнларимизга ҳамоҳанг тарзда мамлакатимизда бўлғуси келин-кўёвларни никоҳдан аввал тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби жорий қилинган.

Президентимиз ўз маърузасида келгуси авлодлар тақдирига бевосита дахлдор бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, ота-оналар ва тиббиёт ходимларининг бу борадаги масъулиятини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, халқимизда касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал, деган нақл бор. Дейлик, касалманд бир боланинг соғлигини тиклаш учун қанчадан-қанча маблаг, вақт ва асаб кетади. Аввало, бундан ота-онанинг ўзи азоб чекади, қолаверса, қариндош-уруғ, дўсту биродарларни ҳам ташвишга солади. Бундай ҳолатлар кўпайгани сайин жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига путур етиб, турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар келиб чиқади.

Агар ҳар бир одам ўзи ва фарзандлари соғлиғи ҳақида ўз вақтида қайғурса, бутун жамиятда шундай муҳит шакллansa, бу муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади.

Соғлом авлодни тарбиялаш – узлуксиз жараён. Бу кенг миқёсдаги кўндан-кўн вазифаларни бажаришни, ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдан доимий эътибор ва масъулиятни талаб қилади. Бу борада, айниқса, соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбия тизими, маҳалла ва ижтимоий тузилмалар алоҳида ўрин тутди. Давлатимиз раҳбарининг маърузасида ҳам ушбу соҳалар олдинга муҳим вазифалар қўйилди.

Ҳар қандай жамият соғлом ва баркамол, эл-юртига садоқатли, иймон-эътиқодли фарзандлари билан фахрланида, уларга суняди. Шундай фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказган халқ келажаққа катта ишонч билан қарайди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Соғлом бола йилида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Тадбирлар

ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Чилонзор туман ҳокимлигида «Конституция – юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигининг кафолатидир» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда юртимизда тарихан қисқа давр ичида эришилган ютуқлар, амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Конституциямизнинг 18-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт» дейилганлигини қайд этиб, юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бу муборақ заминни ўз Ватани деб билиши, шунинг учун Президентимиз томонидан айтилган «Бу азиз Ватан – барчамизники» деган ғоя тили, миллати ва динидан қатъи назар барча юртдошларимизнинг орзу-интилишларини ифодалаши, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик – умумбашарий қадрият бўлиб, у муайян жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари аҳиллигининг маънавий асосини мустаҳкамлаш, шу ҳудуддаги тинчлик ва барқарорликнинг, тараққиётнинг кафолати бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Пойтахтимизда Адлия вазирлиги томонидан «Конституция – тадбиркорлик тараққиётининг кафолати» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш бўйича инспекциялар фаолиятида мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қонунийликка риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш, инспекциялар фаолиятига услубий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш адлия органларининг асосий вазифаларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, мазкур соҳадagi ишлар, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш борасидаги имтиёзлар тўғрисида атрафлича сўз юритилди.

Тадбирда сўзга чиққан Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бошлиғи И. Турғунов, ушбу бошқарма бошлиғи ўринбосари

хусусида тўхталиб ўтдилар. — Маълумот ўрнида айтиш кераки, Президентимизнинг 2011 йил 28 мартдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига

олиниши лозим бўлган савдо реестридан кўчирмадаги етти талабдан тўрттаси қисқартирилди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик,

ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИ

М. Махмудов тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш масалалари, уларга яратилаётган қулайликлар, жумладан, интернет тармоғи орқали тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш

олиш ва ҳисобга қўйишнинг ҳардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қарорига асосан хорижий муассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдан

солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиби таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармониға асосан, статистика, молия, солиқ ҳисоботлари

доқат ҳислатларини шакллантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда, — дейди Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгаши раиси Файрат Алиходжаев. — «Конституция – бу бизнинг комунимиз» мавзусида ўтказилган тадбирда халқ шоири, Ўзбекистон Республикаси мадҳияси муаллифи Абдулла Ориповнинг иштирок этиши ташкилотда ўқийётган гуруҳ ўқувчиларига катта завқ бағишлади деб ўйлайман.

Тадбирда иштирок этган шоир Сафар Қокилов сўзга чиқиб, ўқувчиларга самимий тилакларини тилаб, уларни Ватанимизнинг баркамол авлоди бўлиб етишишларига ишонч билдирди.

Зиёда РАСУЛОВА

ҳамда бошқа ҳисобот турларини бекор қилиш ва бир-бирини такрорловчи шакллари биллаштириш эвазига ана шундай ҳисоботлар миқдори шунингдек, уларни тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди, — дейди бўлим бошлиғи ўринбосари М. Махмудов. — Вазирлик томонидан тадбиркорларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш мақсадида масъулият чекланган жамиятларнинг намунавий устав ҳамда таъсис шартномалари янгидан ишлаб чиқилиб, расмий веб-сайтта жойлаштирилди.

Тадбир иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
Ўзбекистон Давлат жаҳон
тиллари университети
талабаси

ИННОВАЦИЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тармоқларaro стратегик инновациялар ва информатизация маркази «Келажақ технологиялари»ни ишлаб чиқиш борасидаги етакчилардан биридир. Ахборотлаштириш соҳасидаги мураккаб тадқиқот ва амалий лойиҳаларни амалга ошириш, мамлакатимиз илм-фани учун муҳим бўлган автоматик ва автоматлаштирилган бошқарув тизими, объектларни масофадан ўрганиш ва йўлдош орқали олинган тасвирларга ишлов бериш, миллий ва минтақавий инновация тизимлари, инновация инфратузилмаси ҳамда энергетика тадқиқотлари ва экспертизасини ўтказиш каби муҳим йўналишларни ривожлантириш марказининг устувор вазифалари сирасига киради.

Тармоқларaro стратегик инновациялар ва информатизация маркази директори А.Қодировнинг сўзларига кўра, мамлакатимиз ушбу йўналишда юксак илмий-техник ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлиб, бу Ўзбекистон учун муҳим бўлган илмий-техник дастурларни ривожлантириш, фундаментал илмий тадқиқотлар ўтказиш, янги технологияларни амалиётга жорий этишга кўмаклашмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга улкан эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонга миллий инновация тизимини янада такомиллаштириш ва жаҳон ҳўжалик муносабатларида фаол иштирок этиш имконини бераётган.

Сўнгги йилларда ушбу марказ мамлакатимиз иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга қатор лойиҳаларни амалга оширди. Хусусан, марказ олимлари томонидан хом ашёни қайта ишлаш жараёнини бошқаришни автоматлаштириш, ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, электр ва иссиқлик энергиясини тежашга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилди. Айни пайтда бу дастурлар мамлакатимиз санаятининг турли тармоқларида кенг қўлланилмоқда. Бунинг натижаида санаят корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари камайиб, иш самарадорлиги сезиларли равишда ошмоқда.

Масалан, Навоий кон-металлургия комбинатида «ГМЗ-2» автоматлаштирилган интеграция бошқарув тизими таъриба лойиҳасининг амалга оширилиши технологик жараёнда инсон иштирокини камайитиришга ёрдам берди. Комбинатнинг майдалаш цехи, ишлаб чиқариш, техник ва диспетчерлик бўлиmlари автоматлаштирилди. Энергетика хизмати бўлиmlарининг ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиладиган «АБТ-Электрон» автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий этилди.

Марказ томонидан ҳар йили ташкил этилаётган «Инновация» халқaro илмий-амалий конференцияси илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувига хизмат қилмоқда. Конференцияни ўтказишдан кўзланган мақсад инновацион маданиятни шакллантириш, олимлар, санаятчилар, тадбиркорлар ва ёшларнинг инновацион-технологик ривожланиш борасидаги иштирокини фаолаштириш, мамлакатимиз илм-фани ютуқларини кенг намойиш этиш, таъриба алмашиш ва халқaro ҳамкорлиқни мустаҳкамлашдан иборат. Мазкур конференция 28 йилдан буён ўтказиб келинмоқда ва шу ўтган даврда ўнлаб инновацион лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, муҳим иқтисодий натижаларга эришилди.

Лойиҳа ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга жорий этишга ёш мутахассислар, техник йўналишдаги олий ўқув юртилари, касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчилари жалб этилаётгани эътиборга молиқдир. Бугунги кунда Тармоқларaro стратегик инновациялар ва информатизация марказида 15 нафардан зиёд ёш мутахассис самарали меҳнат қилмоқда.

Муҳтасар айтганда, инновациялар ва ахборотлаштириш муҳим, мураккаб ва истикболли масалаларни ҳал этиш имконини бераётган. Буларнинг барчаси мамлакатимизни технология ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасини ошириб, унинг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Виктория ЛЕВИНА,
(ЎЗА)

ТЕЖАМКОРЛИККА – МУҲИМ ЭЪТИБОР

Пойтахтимизда Машиний ва санаят ҳисоблагичларини мажбурий давлат текширувидан ўтказиш, синаш ва таъмирлаш борасида белгиланган устувор вазифалар мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ҳамда «Ўзстандарт» агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мутасадди ташкилотлар ходимлари, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда табиий газ, электр энергияси, иссиқлик ва сув ўлчагичларининг ишлаш ҳолатини текшириш, уларни давлат қиёслаш кўригидан ўтказиш, ҳисоблагичларни янгисига алмаштириш ҳамда таъмирлаш каби бир қатор масалалар юзасидан фикр юритилди.

Бугунги кунда газ ҳисоблагичларини қиёслаш кўригидан ўтказиш жисмоний шахслар учун 2 йилда бир маротаба, юридик шахслар учун эса 2 йилда бир бор амалга оширилади, — дейди «Ўзстандарт» агентлиги метрология хизмати кўрсатиш маркази бош мутахассиси Шўҳрат Гулямов. — Қиёслаш вақтида яроқсиз деб топилган ҳисоблаш мосламаларини таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш тавсия этилади.

Табиат инъом этган бойликлар — табиий газ, электр энергияси, иссиқлик ва сувни тежаш, назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, истеъмолчи ва таъминотчи ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида ҳисоблаш асбобларини текширувдан ўтказиш жорий этилган. Шундай экан, ҳар бир фуқаро табиий бойликларнинг исрофиға йўл қўймастан, уларни тежамкорлик билан сарфловчи воситалардан фойдаланиши лозим.

Анжуманда иштирокчилар ҳисоблаш мосламаларини қандай тартибда ва қанча вақтда қиёслашдан ўтказиш, зарур бўлганда уларни қаерда таъмирлаш каби бир қатор саволларга атрафлича жавоб олдилар.

Абдуалим САЛИМОВ

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоён бўлади.

Пойтахтимизда ободонлаштириш ишларини изчил давом эттириш, бу борада аҳолининг фаоллигини ошириш, ёшларга эзгу қадриятларимизни чуқур сингдириш мақсадида ҳар шанба тозалик кўни деб эълон қилинган. Шу кўни аҳоли турар жойлари, кўп қаватли уйлар атрофи, маҳаллалар ҳудудидаги боғлар, болалар майдончаларида ҳашарлар ташкил этилади.

Юртимизда киш кириб келган шу кўнларда бу борадаги ишларини янада жонлиштириш, кўп қаватли уй-жойларга узлуқсиз коммунал хизмат кўрсатиш, хазонлар ёқилишининг олдинчи олиш долзарб аҳамиятига эга.

Ана шу йўналишдаги муҳим вазифаларни ўз вақтида амалга оширишда кенг жамоатчилик, маҳаллалар фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳодимлари, талаба ва ўқувчилар фаол иштирок этаётди. Бундай тадбирлар жараёнида, аввало, бог-роғлар, кўп қаватли уйлар, ховлилар атрофи, кўчалар, ариқларни хазондан тозалаш, дарактларга шакл бериш, чиқиндиларни белгиланган жойларга чиқариб ташлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Тозалик кўнлари туманимиздаги ҳар бир маҳаллада уюшқоқлик билан ўтказилмоқда, – дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Олмасор тумани бўлини маси раиси Бахтиёр Исмонов. – Ушбу тадбир доирасида маҳаллалар ҳудудидаги хазонлар йиғиштириб олиниб, ташиб кетишмоқда. Тозалик кўнларини ташкил этишда туманимиздаги барча давлат ва жамоат ташкилотлари, коммунал хизмат кўрсатишга ихтисослашган корхоналар, уй-жой мулкдорлари ширкатлари яқиндан ёрдам бермоқда. Бундай тадбирлар кўн сайин чирой ойнаётган пойтахтимизга янада файз бахш этиши, аҳоли фаровонлигини ошириш, оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга хизмат қилаётди.

Пойтахтимиздаги маҳаллаларда «Намунавий маҳалла» лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ободонлаштириш ва тозалик ишлари кўлами янада кенгаймоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимида маълум қилишларича, 2012-2013 йилларда бир юз олти мишдан зиёд маҳаллада ана шу лойиҳа асосида кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бунинг

натijasида илгари пала-партиш жойлашган гаражлар ўрнида автомобилларни қўйишга мослаштирилган майдончалар барпо этилди. Кўп қаватли уйлар йўлакларини, бино-иншоотларнинг муҳандислик-коммуникация тизимларини, ички йўллар таъмирланиб, теварак-атроф ободонлаштирилмоқда. Уй-жойлар атрофини гулзорга айлантириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш, бўш жойларда спорт мажмуалари, аҳоли дам оладиган масканлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Маҳаллалар ҳудудидаги бошқариладиган чиқиндиҳоналар таъмирланиб, чиқиндиларнинг ўз вақтида ташиб кетилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган.

Маҳаллаларда барпо этилаётган замонавий болалар ўйин майдончалари эса кичкинтойларнинг сеvimли масканига айланмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида пойтахтимиздаги маҳаллаларда ички юзга яқин ана шундай болалар

ўйин майдончаси барпо этилди. Бир юз элликка яқин мавжуд ўйин майдончаси реконструкция қилинди. Жўмладан, Олмасор туманининг Аҳмад Ясавий маҳалласида бўш ётган майдонлар ўрнида намунавий маҳалла лойиҳаси асосида бешта болалар ўйин майдончаси қурилди. Бир гектарга яқин қаровсиз ерда ҳашар йўли билан бог ташкил қилиниб, беш юз тулға яқин мевали ва манзарали даракт қўчати экилди.

Намунали маҳалла деганда, ҳудуднинг ободлиги билан бир қаторда маҳалладаги тинчлик-тотувлик, оилалардаги оқош-ишталлик, жиноятчиликнинг олдинчи олиш борасида эришилаётган натижалар ҳам муҳим мезон саналади, – дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шоира Тўлаганова. – Бу борада давлат, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида мунтазам маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этмоқдамиз. Жўмладан, айни кўнларда мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишлаб таълим масканларида қўлаб қизқарли тадбирлар ўтказилаётди. Бундай тадбирлар маҳалламизда тинчлик-оқош-ишталлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз бардавомлигини таъминлашга хизмат қилаётди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан амалга оширилаётган «Юртимнинг обод этаман» акцияси ҳам йиғит-қизларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш, уларнинг юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида фаоллигини ошириш, Ватан тақдирини дахлдорлик тўғрисида кучайтиришга хизмат қилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида ёшлар қабристонлар, зияратгоҳлар, табаррук қадамжоларини ободонлаштиришга ўзининг фаол ҳиссасини қўшмоқда. Харақатнинг бошланғич ташкилотлари томонидан бу борада таълим масканлари ва маҳаллаларда ҳалқимизнинг миллий аънава ва қадриятларини тарғиб этишга оид қўлаб тадбирлар ташкил этилмоқда.

Юртимизнинг ҳар бир гўшаси, жўмладан, пойтахтимизда уюшқоқлик билан ўтказилаётган бундай изчил ишлар ўз самараларини бермоқда. Бугун кўча ва хийбонлар, кўп қаватли уйлар, ховлилар, боғлар оралаб юрсангиз, теварак-атрофнинг тозаллиги, соғлом муҳит, миллийлик ва замонавийлик уйғунлашиб чирой ойнаётган манзилларни қўриб қўзингиз қувонади.

Баҳор ХИДИРОВА,
Ўза мухбири

2013 йил — Обод турмуш йили

ЮРТ ОБОД — КЎНГИЛ ОБОД

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Директорлик лавозимига		
1	Тошкент Радиотехника касб-хунар коллежи	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 9-уй

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1.Сўровнома (справка-объективка).
- 2.Таржимаи ҳол.
- 3.Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси.
- 4.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари.
- 5.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).
- 6.3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат.
- 7.Паспорт (нусхаси).
- 8.Тавсифнома.
- 9.Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

2014 йил 9 январь кўни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларида қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

